


## VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь–мартида 13,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 % га кам демакдир.

Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 23 %), савдо соҳасида (23%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (13 %) қурилишда (12 %), яшаш ва овқатланишда (7 %), ташиш ва сақлашда (4 %) ташкил этилган.

### 2018 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши



2018 йилнинг январь–мартида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12769,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 28,8 % ) ёки 2017 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 102,8 % ни ташкил қилди;

– 5358,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 31,8 % и) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 110,9 % ни ташкил қилди;

– 5662,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 61,2 %) бажарилди ва 2017 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 104,3 % ни ташкил қилди;

– 17661,9 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 55,3 %), 2017 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 96,5 % ни ташкил қилди;


– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 87,2 % ёки 23606,0 млрд. сўми (ўсиш суръати 0,3 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 1213,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 29,7 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 437,6 млн. АҚШ долларига ёки 56,4 % га кўп;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 4,0 % га (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 76,2 % и) кўпайиши таъминланди;


– йўловчи айланмасининг эса 2,7 % га (умумий йўловчи айланмасининг 94,6 % ) кўпайиши таъминланди;

### Кичик тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмига нисбатан % да)




Худудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (4770,6 млрд. сўм), Самарқанд (1231,7 млрд. сўм) ва Тошкент (1181,5 млрд. сўм) вилоятлари хиссасига тўғри келади.

**2018 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да  
саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва суръати**




**2018 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик  
тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар  
айланмаси ҳажми ва суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (4427,4 млрд. сўм), Тошкент (2387,4 млрд. сўм) ва Андижон (2087,2 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик  
тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар  
соҳаси ҳажми ва суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (5137,6 млрд. сўм), Тошкент (1780,1 млрд. сўм) ва Самарқанд (1609,5 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йил январь-мартида кичик  
тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши**  
(% да)

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>28,8</b>	<b>61,2</b>	<b>55,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	11,8	87,0	59,1
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	20,9	97,1	73,1
Бухоро	33,6	73,3	74,2
Жиззах	48,7	98,8	72,0
Қашқадарё	17,4	86,0	71,3
Навобий	11,3	69,6	64,0
Наманган	57,9	96,1	71,7
Самарқанд	53,2	96,6	74,8
Сурхондарё	32,5	87,2	73,8
Сирдарё	32,0	96,2	63,9
Тошкент	16,6	82,8	74,8
Фарғона	31,0	94,3	74,9
Хоразм	27,5	91,9	69,3
Тошкент ш.	67,1	68,9	50,6


Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улуши Тошкент шаҳри (67,1 %), Наманган (57,9 %) ва Самарқанд (53,2 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида Фарғона (74,9 %), Самарқанд ва Тошкент (74,8 %), Бухоро (74,2 %), Сурхондарё (73,8 %), Андижон (73,1 %) вилоятлари ташкил этади.

Қурилишда Жиззах (98,8 %), Андижон (97,1 %), Самарқанд (96,6 %) ва Наманган (96,1 %) вилоятлари ташкил қилади.

2018 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 34,3 % ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-мартида 39,6 %). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

### 2018 йил январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши




Худудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши энг кўп Жиззах (54,6 %), Сурхондарё (51,1 %), Самарқанд (50,2 %), Бухоро (48,3 %) вилоятларида ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич паст бўлиб колмокда ва 21,0 % ни ташкил этади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 йил I - чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 950 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумлотлари тахлили, қурилиш тармоғидаги респондентларнинг 32,5 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 52,6 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 24,8 % ва 63,7 %, хизматлар соҳасида – 21,0 % ва 66,6 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 24,8 % ва 56,2 %, саноатда – 21,6 % ва 63,1 % ни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар қурилишда – 14,9 %, савдода – 11,5 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 19,0 %, хизматларда – 12,4 %, саноатда – 15,3 % ни ташкил қилди.


### Иқтисодий вазиятни баҳолаш 2018 йил I–чорак учун



**Иқтисодий вазият яхшиланиши** яқин уч ойда 68,9 % саноат корхоналари, 66,8 % – савдо, 58,8 % – хизматлар, 76,9 % – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 64,0 % – қурилиш тармоғида кутилмоқда.



### Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижисидан респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.